

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ Мирисаев А.У.

2018 йил “ ____ ” _____

“ЁҒОЧ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ”

ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ
(иккинчи мутахасислик сиртқи таълим учун)

Билим соҳаси:	300000	- Ишлаб чиқариш - техник соҳа
Таълим соҳаси:	340000	– “Архитектура ва қурилиш”
Таълим йўналиши:	534020	– “Бино ва иншоотлар қурилиши”(саноат ва фуқаро бинолари).

Умумий ўқув соати – 132 соат

Шу жумладан:

Маъруза – 8 соат (4 - семестр – 8 соат)

Амалий машғулотлар – 8 соат (4 - семестр – 8 соат)

Мустақил таълим соати – 116 соат (4 – семестр – 116 соат)

ТОШКЕНТ – 2018

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикасини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__йил “__” _____ даги __ - сонли буйруғи билан (буйруқнинг __ - иловаси) тасдиқланган “Ёғоч конструкциялари” фани дастури асосида тайёрланган.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Институт услубий кенгашининг 2018 йил “28” майдаги “8” – сонли баённомаси билан тасдиқланди.

Фаннинг ишчи ўқув дастури факультет услубий кенгашининг 2018 йил “10” майдаги “10” – сонли баённомаси билан тасдиқланди.

Тузувчи:

Юсуфхўжаев С.А. - ТАҚИ “Қурилиш конструкциялари” кафедра
мудири, доцент

Усманходжаева Л.А. - ТАҚИ “Қурилиш конструкциялари” кафедраси
ассистенти

Такризчилар:

Шожалилов Ш. - “ПРОЕКТ DOMINANTE” МЧЖ директор ўринбосари,
доцент, т.ф.н.

Шоумаров Н.Б. - ТТЙМИ “Бино ва саноат иншоотлари қурилиши”
кафедраси доцент, т.ф.н.

ТАҚИ Бино ва иншоотлар
қурилиши факультети декани :

2018 йил “__” _____ Алиев И. Т.

“Қурилиш конструкциялари”
кафедра мудири:

2018 йил “__” _____ Юсуфхўжаев С.А.

1. Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.

“Ёғоч конструкциялари” фани қурилиш йўналишларида тахсил олаётган талабаларга қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш, ҳисоблаш, конструктив ечимларни топиш бўйича зарур маълумот ва кўникмаларга эга бўлишни, қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, техник-информацион адабиётлардан оқилона фойдаланишга ўргатади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

Ёғоч конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асослари; юклар ва таъсирлар, ишонччилик коэффициентлари, ёғоч ва металлнинг ҳисобий қаршилиги; эгиловчи ёғоч конструкция элементларини кесим юзасини ҳисоблаш; чўзилишга ва сиқилишга ишлайдиган элементларни биринчи ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асосларини **билиши керак**.

Бино ва иншоотларнинг ёғоч конструкциялари, том ёпма конструкцияларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш бўйича **кўникмаларга эга бўлиши керак**.

“Ёғоч конструкциялари” фанини ўзлаштиришда талабалар амалдаги меъёрий ҳужжатлар, маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиётлар, компьютер дастурлари ва интернетдан фойдаланиш; мустақил ўрганиш, амалий ёзма курс ишларини бажариш ҳамда муҳандислик фикрлаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

2. Маъруза машғулоти

		1- жадвал
№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
4-семестр		
1	Ёғоч конструкцияларининг ривожланиш тарихи Ёғоч конструкцияларининг турлари ва қўлланиш соҳалари. Ёғочнинг физик-механик хоссалари Ёғоч элементларини чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш. Ёғоч конструкциялар элементларининг бирикмалари.	2
2	Ёғоч устунларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ёғоч тўсинларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Стропилаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Вассатўсинларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш	2
3	Ёпма панелларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ёғоч аркаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ёғоч рамаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ёғоч фермаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш	2

3	Фазовий ёғоч конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Ёғоч конструкцияларини таъмирлаш Ёғоч конструкцияларини кучайтириш	2
---	--	---

Жами

8 соат

Маръруза машғулотлари мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда академ гуруҳларда оқими учун ўтилади.

3. Амалий машғулотлар

2-жадвал

№	Амалий машғулотнинг номи ва қисқача мазмуни	Дарс соатлари ҳажми
4-семестр		
1	Ёғоч конструкцияларини ҳисоблаш бўйича умумий тушунчалар. Ёғоч конструкцияларга таъсир этадиган юклар. Ёғоч конструкцияларини ҳисоблашда элементнинг ҳисоб схемасини аниқлаш. Ёғоч конструкция элементларидаги кучларни аниқлаш. Максвелл-Кремон диаграммасини қуриш. Тугун кесиш усули.	2
2	Ёғоч конструкцияларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш. Марказий сиқилишга ишлаётган элементлар ҳисоби. Марказий чўзилишга ишлаётган элементлар ҳисоби. Эгилишга ишлаётган элементлар ҳисоби.	2
3	Ёғоч конструкция бирикмаларини ҳисоблаш. Болтли бирикмалар ҳисоби.	2
4	Рама ва ферма элементларининг ҳисоби. Рамани статик ва конструктив ҳисоби	2

Жами

8 соат

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда академ гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади, “Нилуфар гули” ва “Кластер” технологиялари ишлатилади. Кўргазмали материаллар ва ахборот мультимедиа қурилмалари ёрдамида узатилади.

4. Лаборатория ишлари

Ўқув режада лаборатория иши режалаштирилмаган.

5. Курс иши

Фан бўйича курс иши. Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга якка тартибта тегишли (вариантланган) топширик шаклида берилади. Курс ишининг ҳисобий қисми ҳажми 20 бетдан кам бўлмаслиги, А4 форматдаги варақларда ёзилиши, чизма қисми А1 форматдага чизилиши ва расмийлаштирилиши лозим. Курс ишини бажариш тартиби кафедранинг услубий кўрсатмасида келтирилган.

3-жадвал

№	Курс ишининг номи ва қисқача мазмуни
	4-семестр
1	Бир қаватли саноат биноларидаги асосий юк кўтарувчи ёғоч элементларни конструктив схемаси.
2	Бўйлама ва кўндаланг рамалар.
3	Кўндаланг рамага таъсир қилаётган юкларни аниқлаш.
4	Кўндаланг рамаларни статик ва динамик кучлар таъсирига ҳисоблаш.
5	Бинонинг фазовий бикрлигини таъминлаш усуллари.
6	Елимланган уч шарнирли ёғоч рамани ҳисоби.
7	Елимланган ёғоч фермани ҳисоби.
8	Марказий ва номарказий сиқилувчи ёғоч устунни ҳисоби.

6. Мустақил таълим

Мустақил таълим сиртқи таълим талабалари учун мажбурий ўқув машғулоти ҳисобланади. У режавий ҳарактерга эга бўлиб, сиртқи бўлимга фан учун ажратилган жами ўқув соатларининг тахминан 85 фоизини ташкил этади.

4-жадвал

№	Мустақил таълимнинг номи ва қисқача мазмуни	Дарс соатлари ҳажми
	4-семестр	
1	Ёғоч конструкция элементларини бевосита ва ўйиб бириктириш	6
2	Ёғоч конструкция элементларининг елимли ва нагелли бирикмалари	6
3	Нишабли стропилалар ва стропила оёқларини ҳисоблаш	6
4	Ёғоч тўсин конструкцияларини кўндаланг эгилишга ҳисоблаш	6
5	Елимланган арматурали тўсинларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш	6
6	Яхлит кесимли ёғоч тўсинлар ҳисоблаш	6
7	Елимланган ёғоч тўсинларни ҳисоблаш	6
8	Яхлит ёғочли устунларни ҳисоблаш	6

9	Елимланган ёғоч устунларни ҳисоблаш	6
10	Панжарасимон устунларни ҳисоблаш	6
11	Ёғоч арка конструкциялари ва ёғоч аркаларни ҳисоблаш	6
12	Ёғоч рама конструкциялари	6
13	Ёғоч рамаларни ҳисоблаш	6
14	Ёғоч ферма конструкциялари	6
15	Ёғоч фермаларни лойихалаш ҳисоблаш	6
16	Ёғоч қуббаларнинг конструктив шакллари	6
17	Айланма тўрсимон ёғоч қуббалар. Йиғма конструкциялар	6
18	Пневматик қурилиш конструкциялари турлари	6
19	Ёғоч конструкцияларини кучайтириш йўллари	4
20	Ҳисоблаш схемасини ўзгартирмасдан ва ўзгартириб кучайтириш усуллари	4

Жами

116 соат

Мустақил ўзлаштириладиган мавзу ва масалалар талабалар томонидан ёзма ҳисобот шаклида тайёрланади ва тақдироти ташкил қилинади.

Шунингдек, амалий машғулот мавзулари бўйича қуйидаги назорат ишларини талабалар мустақил равишда масофавий тайёрлайди ва расмийлаштирилган ҳолда топширади.

7. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар			
Баҳолаш меъзонлари	<p>86-100 балл “аъло”</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла моҳиятини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, компьютер дастурларини тушуниши; - чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асосларини билиши; - юклар ва таъсирларни жамлашни билиш; - ёғочнинг ҳисобий қаршиликларини билиши; - чўзилишга ва сиқилишга ишлайдиган элементларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш; - ёғоч конструкцияларини ҳисоблашни тасаввур қилиш; - том ёпма конструкцияларини лойиҳалашни билиши; - синчли биноларни лойиҳалашни билиши; - бир қаватли турар-жой биносининг конструктив ечимини бера олиши; - ҳисобий схемасини тузишни билиш; <p>71-85 балл “яхши”</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла моҳиятини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, компьютер дастурларини тушуниши; - чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асосларини билиши; - юклар ва таъсирларни жамлашни билиш; - ёғочни ҳисобий қаршиликларини билиши; - ёғоч конструкцияларини тасаввур қилиш; - том ёпма конструкцияларини лойиҳалашни билиши; - ҳисобий схемасини тузишни билиш; <p>55-70 балл “қониқарли”</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла моҳиятини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, компьютер дастурларини тушуниши; - чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асосларини билиши; - юклар ва таъсирларни жамлашни билиш; - ёғочни ҳисобий қаршиликларини билиши; - ҳисобий схемасини тузишни билиш; <p>0-54 балл “қониқарсиз”</p> <ul style="list-style-type: none"> - фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла моҳиятини, амалдаги меъёрий ҳужжатлар, компьютер дастурларини тушунмаслик; - юклар ва таъсирларни жамлашни билмаслик; - ёғочни ҳисобий қаршиликларини билмаслик; - синчли биноларни лойиҳалашни билмаслик; 			
	Рейтинг баҳолаш турлари	Топшириқ сони	Топшириқ- нинг максимал балли	Топшириқ- нинг жами бали
	Жорий назорат			40
	талабанинг амалиёт дарсларида фаол иштирок этиши, бунда талабанинг амалий машғулотлардаги фаол иштироки 5 баллгача (5x5=25 балл) баҳоланади.	5	5	25

	мустақил таълим топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши	3	5	15
	Оралиқ назорат			30
	Биринчи оралиқ назорат ёзма иш Ҳар бир талаба учун 1 та саволдан ва 2 та масала иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб максимал 5 балл билан баҳоланади (амалиё машғулот ўқитувчи томонидан қабул қилинади)	3	5	15
	Иккинчи оралиқ назорат, ҳар бир талаба учун 30 та тест саволдан иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб максимал 0.5 балл билан баҳоланади. (маърузачи ўқитувчи томонидан қабул қилинади)	30	0.5	15
	Якуний назорат			30
	Якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади. Ҳар бир талаба учун 1 та саволдан ва 2 та масала иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб максимал 10 балл билан баҳоланади	3	10	30
Жами:				100

Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	1 hafta	2 hafta	3 hafta	4 hafta	5 hafta	6 hafta	7 hafta	8 hafta	9 hafta	10 hafta	11 hafta	12 hafta	13 hafta	14 hafta	15 hafta	16 hafta	17 hafta	18 hafta	19 hafta	20 hafta	максимал балл	ўтиш балли
	5					5					5					5						
ЖБ Амалий машғулотлар жараёнида баҳолаш	5					5					5					5					25	39,2
ЖБ Мустақил таълимни баҳолаш	5					5					5					5					15	
ОБ	15										15										30	
ЯБ	30																				30	
ЖАМИ																					100	55

Жорий назоратларни баҳолаш мезонлари

“Ёғоч конструкциялари” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг назарий билимларини ўзлаштиришини ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлганлигини аниқлаш учун қўлланилади ва умумий рейтинг баллининг 40 % ни ташкил қилади.

№	Жорий назорат шакли	Қўйиладиган баллар	Балларга бериладиган изоҳ
1	Амалий машғулотда берилган оғзаки жавоблар (80 минут давомида)	5 балл	Фаннинг ўтилган мавзуларидаги асосий тушунчаларини очиб беради, уларни изоҳлайди, масалани моҳиятини мустақил равишда мантиқан тўла тушунтиради
		4 балл	Фаннинг ўтилган мавзуларидаги асосий тушунчаларини мантиқан очиб беради, уларни етарлича изоҳлай олмайди.
		3 балл	Фаннинг ўтилган мавзуларидаги асосий тушунчаларини санаб беради, лекин уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди, мавзунини ўқитувчи ва талабалар ёрдамида мантиқан тушунтира олади
		2 балл	Фаннинг ўтилган мавзуларидаги асосий тушунчаларини санаб беради, лекин бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини мантиқан тушунтира олмайди.
		1 балл	Фаннинг ўтилган мавзуларидаги асосий тушунчаларини санаб беради, лекин бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини билмайди.
		0 балл	Талаба амалий машғулотга тайёр эмас

Жорий назорат оғзаки савол-жавоб ва амалий топшириқларни бажариш билан амалга оширилади. Ҳар бир амалий машғулотда талабанинг саволларга берган жавоблари, мустақил бажарган топшириқлари баҳоланиб борилади ва рейтинг жадвалида кўрсатилган ҳафталарга мос равишда ўқитувчининг журналида белгиланади.

Семестр давомида жами 5 та жорий назорат ўтказилади. Ҳар бир жорий назорат учун максимал 5 балл белгиланади.

Мустақил таълимни баҳолаш

Талабаларнинг мустақил таълими жараёни фандан “Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича Низом” асосида ташкил этилади. Бунда талабанинг мустақил таълим фаолияти реферат, презентация, амалий иш, илмий мақола ва бошқа шаклларда тақдим этилади ва ўқув семестри давомида камида уч марта максимал 5 баллдан баҳоланади.

Мустақил таълим жараёнида талабаларнинг фаолиятини баҳолашда мавзуга талабанинг мантиқий тўғри ёндашганига асосий эътибор қаратилади.

Презентация, амалий иш ва илмий мақола тайёрлашда талабанинг мавзу бўйича фаннинг энг сўнгги янгиликлари ва статистик маълумотлардан фойдаланганлигига алоҳида эътибор берилди.

Мустақил таълим жараёнида талабаларни фан бўйича ўзлаштирган билимларини реферат шаклида тайёрлашларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув фани бўйича реферат тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий қўллаш кўникмасини ҳосил қилиш.
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш.
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли хулоса ва таклифлар қилиш.

Мустақил таълимда талабалар томонидан тайёрланган рефератни баҳолаш

Реферат ҳимоясига қўйилдиган балл	Реферат ҳимояси учун қўйилдиган баллнинг изоҳи
5 балл	Реферат мундарижа, кириш, асосий қисм, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, талаб даражасида расмийлаштирилган. Рефератда кўрсатилган муаммо бўйича замонавий фикр ва қарашлар ёритилган. Талаба ҳимоя жараёнида реферат мазмунини аниқ очиқ бера олади, мисоллар келтиради, муаммога оид бўлган ўз фикрларини билдиради, чизма ва схемалар ёрдамида мавзунини янада аниқ ва чуқурроқ очиқ беради, фойдаланилган адабиётлар ҳақида фикр юритади
4 балл	Реферат мундарижа, кириш, асосий қисм, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, талаб даражасида расмийлаштирилган. Рефератда кўрсатилган муаммо бўйича замонавий фикр ва қарашлар етарли очиқ берилмаган. Реферат ҳимояси жараёнида мантиқ ва тизимлилик бироз бузилган. Талаба мисоллар келтиради, чизма ва схемалар ёрдамида мавзунини янада аниқ ва чуқурроқ очиқ беради, фойдаланилган адабиётлар ҳақида фикр юритади
3 балл	Реферат мундарижа, кириш, асосий қисм, адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлса ҳам, талаб даражасида расмийлаштирилмаган. Рефератда кўрсатилган муаммо бўйича замонавий фикр ва қарашлар очиқ берилмаган. Мавзу юзасидан талаба ўз мустақил фикрига эга эмас. Реферат ҳимояси жараёнида мантиқ ва тизимлилик бузилган. Талаба мисоллар келтиришда, чизма ва схемалардан фойдаланишга қийналади, адабиётларни таҳлил қилмайди, лекин ўқитувчининг ёрдами билан берилган саволларга

	жавоб беради
2 балл	Реферат талаб даражасида расмийлаштирилмаган. Реферат ҳимояси жараёнида ёзган нарсаларини ўқиб беради. Схема ва чизмалари йўқ. Фойдаланган адабиётлари ҳақида гапира олмайди.
1 балл	Реферат талаб даражасида расмийлаштирилмаган. Талаба рефератни ҳимоя қила олмайди
0 балл	Талаба рефератни бажармади ва ҳимоя қилмади

Талабаларнинг ЖБ жараёнида амалий дарслар ва мустақил таълимдан тўплаган баллари гуруҳ журнали ва ўқитувчи журналида қайд этиб борилади. Тасдиқланган шаклдаги “Рейтинг қайдномаси”га талабанинг ЖБдан тўпланган баллар йиғиндиси ёзилади.

Оралик баҳолаш мезонлари

Оралик баҳолаш (ОБ) фан дастурида келтирилган мавзулар ўқилгандан сўнг икки марта (ёзма иш, тест шаклида) ўтказилади. ОБда талабанинг билимини назарий ўзлаштириши синовдан ўтказилади ёки фан мавзусида келтирилган назарий муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

ОБ «Ёғоч конструкциялари» фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлинганидан сўнг амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларини билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади.

«Ёғоч конструкциялари» фани бўйича ОБ икки марта олинади ва биринчи оралик назорат ёзма иш шаклида ва иккинчи оралик назорат тест шаклида ўтказилади, ҳар бир оралик назорат максимал 15 балл билан баҳоланади.

Талабалар билимини якуний баҳолаш мезонлари

ЯБда талабанинг билим, кўникма ва малакаси фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ фан якунида (охирги икки ҳафтада) ўтказилади.

“Ёғоч конструкциялари” фанидан якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилади. Якуний баҳолашга 30 балл ажратилади. Ҳар бир талаба учун 1 та саволдан ва 2 та масала иборат бўлган алоҳида вариантлар тайёрланади. Ҳар бир саволга берилган жавоб максимал 10 балл билан баҳоланади ва саволлар бўйича баллар йиғиндиси фандан тўпланган ЯБ балини ташкил этади.

Талабалар билимини якуний баҳолашда ёзма ишни ташкил этиш ва ўтказиш 1-иловада келтирилган тартибда ташкил этилади.

Фандан талабалар билимини рейтинг тизимида якуний баҳолашнинг ёзма иш усулини ўтказиш тартиби

Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг ёзма иш усули, талабаларда мустақил фикрлаш ва ўз фикрини ёзма ифодалаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Талабалар билимини рейтинг тизими бўйича баҳолашнинг ёзма иш усули оралиқ баҳолаш, якуний баҳолаш ва Якуний Давлат аттестацияси босқичларида амалга оширилиши мумкин.

Фан бўйича якуний баҳолаш ва якуний Давлат аттестациясида ёзма иш усулини қўллаш деканат тавсиясига асосан институт буйруғи билан белгиланади.

ЯБ ёзма шаклида ўтказиш бўйича мавзулар (саволлар) кафедра томонидан ишлаб чиқилган ҳамда кафедра мажлисида муҳокама этилиб кафедра мудирини томонидан тасдиқланган. Мавзулар фаннинг ишчи дастурига илова қилинган. Институт буйруғига асосан ушбу фандан ЯБ ёзма шаклида ўтказиш белгиланса ёзма иш мавзулари рўйхати талабалар эътиборига етказилади.

ЯБ босқичида ёзма иш деканат назорати остида, кафедра мудирини ва фан ўқитувчиларини масъуллигида дарс жадвали бўйича фанга ажратилган вақт давомида ўтказилади.

Якуний Давлат аттестациясидаги ёзма иш белгиланган жадвал асосида 3 астрономик соат давомида ўтказилади.

Ёзма иш ҳажми талабанинг фан бўйича тасавури, билими ва амалий кўникмасини баҳолаш учун етарли бўлиши зарур. Унинг ҳажми факультет кенгаши билан келишган ҳолда ёзув дафтариининг 8-12 вароғи ҳажмида белгиланади.

Ёзма иш натижаси бир кун муддатда талабаларга маълум қилинади.

Ёзма ишларни текширишга ва баҳолашга машғул олиб борувчи ўқитувчидан бошқа малакали профессор-ўқитувчилар, шунингдек, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин. Ёзма ишлар ҳолислигини таъминлашга деканат масъул.

Талабаларнинг ёзма ишлари икки йил мобайнида деканатда сақланади.

Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари қуйидагича белгиланади:

Мавзулар мазмуни ва талабанинг билим даражасини баҳолаш	Фикрини ифодалаш маҳорати, ёзуви ва иш ҳажмини баҳолаш	Жами	Мавзуни (саволларни) ёритилганлик даражаси
21-24	5-6	26-30	Мавзуни билиши ва ижодий фикрлай олиши, Мустақил мушоҳада юритиш, Амалий таклиф киритиши, Моҳиятини тушуниши, Хулоса ва қарорқабулқилиш.
18-21	3-4	21-25	Мавзуни билиши ва ифодалай олиши, Мустақил мушоҳада юритиши, Амалий таклиф киритиши, Моҳиятини тушуниши.
15,5	18	16,5-20	Мавзуни етарли даражада билиши, Моҳиятини тушуниши, Тасаввурга эга бўлиши.
0	0	0-16,4	Мавзу ҳақида тасаввурга эга эмаслик, Билимини ёзма ифодалай олмаслик.

7. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Donald E Breyer, P.E., Kelly E Cobeen, Kenneth J Fridley, PH.D. Design of Wood Structures-ASD/LRFD 7th Edition. USA 2014.
2. Рузиев Қ.И., Алимов М.А. “Биноларнинг ёғоч ва пластмасса қурилмалари” Т., Ўқитувчи”, 1993 .
3. Казакбаева К.К. “Экологик соф қурилиш конструкциялари”. Ўқув қўлланма. Т., “O’qituvchi”, 2005.
4. Razzoqov S.J. Yog’och va plastmassa konstruksiyalari. O’quv qo’llanma. Т., Akademiya. 2005.

Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир фаолиятнинг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон” 2017 йил 102 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т.: “Ўзбекистон” 2016 йил 486 б.
8. В.Е.Шишкин «Примеры расчета конструкций из дерева и пластмасс». М., Стройиздат 1974 .
9. Арленинов Д.К. и др. «Конструкции из дерева и пластмасс» М. Изд-во «АСВ», 2002 .
10. ҚМҚ 2.01.07-96. Юқлар ва таъсирлар. Т., ДАҚҚ, 1996.
11. ҚМҚ 2.03.08-98 “Ёғоч қурилмалари”. Т., ДАҚҚ, 1998.

Интернет сайтлари

12. <http://www.setkov-psk.perm.ru/p15.htm>
13. <http://www.twirpx.com/file/149408/>
14. <http://www.twirpx.com/file/181772/>
15. <http://www.twirpx.com/file/79910/>
16. <http://www.twirpx.com/file/841467/>
17. www.ziyonet.uz

